

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК:332.1:338.484.2(575.1)

**ТУРАЕВ ЗИЯДУЛЛА НОРСОАТОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ**

**Ихтисослик: 08.00.17 - «Туризм ва меҳмонхона фаолияти»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
тайёрланган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор в.б. Хашимов П.З.**

**Тошкент– 2022**

## МУНДАРИЖА

### **I БОБ. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....**

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари.....  
Туризмнинг иқтисодиёт соҳаси сифатидаги ривожланиш эволюцияси.....  
Худудларда туризмни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси.....  
Биринчи боб бўйича хулосалар.....

### **II БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ.....**

Вилоятда туризм соҳаси ривожланиши омиллари ва шарт-шароитлари.....  
Туризм инфратузилмасининг ривожланиши ҳолати.....  
Вилоятда ички ва халқаро туризм ривожланиши муаммолари ва тенденциялари.....  
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....

### **III БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....**

Вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришнинг концептуал асослари.....  
Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш сценарийлари ва вариантлари.....  
Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини барқарор ривожлантиришни таъминлаш механизми.....  
Учинчи боб бўйича хулосалар.....

**ХУЛОСА.....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**

**ИЛОВАЛАР.....**

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда энг кудратли интеграцион соҳа сифатида туризм кўплаб мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатидан тезроқ ривожланиб, унинг хизматларнинг халқаро экспортидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) маълумотларига кўра, «туризм иқтисодийнинг экспортга йўналтирилган тармоқлари орасида ёқилғи ва кимё саноатидан кейин учинчи ўринни эгаллаган ҳолда, 2019 йилда жаҳон савдосининг 7,0 фоизини ташкил этган»<sup>1</sup>. Юзага келган COVID-19 пандемияси оқибатида туризм соҳаси «2021 йилда 2020 йилга нисбатан 4 фоизга ўсганлиги, жаҳон туризмнинг бевосита ялпи маҳсулоти 19 фоизга ошиб 1,9 триллион долларга етганлигига қарамадан, COVID-19 пандемиясидан олдинги даврга нисбатан 72 фоизга пастлигича қолаётганлиги»<sup>2</sup> ички туризмни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш орқали жаҳондаги йирик минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулотида туризм хизматларининг улушини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда туризм соҳасини, айниқса туризм соҳасини ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг иқтисодийни барқарор ривожлантириш, унинг ҳудуд иқтисодийига қўшадиган ҳиссасини оширишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларда барқарор ривожланишни кўзда тутувчи 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган устувор вазифалардан ҳисобланган камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнат шароитлари ва иқтисодий ўсишни, соғлиқ ва фаровонликни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

---

<sup>1</sup> <https://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284422456> - Tuesday, March 30, 2021 7:37:05 AM - IP Address:93.75.219.148

<sup>2</sup> <https://www.unwto.org/un-tourism-news-fitur-edition-2022>

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, юкори ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш»<sup>1</sup> вазифаси қўйилган. Ҳозирги вақтда Сурхондарё вилоятининг табиий-географик жойлашуви, жозибадор табиий-рекреация ва тарихий-маданий ресурсларидан туризм соҳасини жадал ривожлантиришда самарали фойдаланиш ҳамда мазкур соҳани ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар ва сценарийларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Туризмнинг етакчи тармоқ сифатидаги ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улушини ошириш имкониятларини, уни барқарор ривожлантиришни таъминлаш механизмларини ва тегишли дастурларни ишлаб чиқишга асос бўладиган мукамал илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони \\www.lex.uz